Стратегик ва минтақавий ... КУТУБХОНАСИ ... тадқиқотлар институти


# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 43 (9.540) 2001 йил 13 апрель, жума ◆ Сотувда эркин нархда


*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ҚАРОРИ*

## Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида

**Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчиларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 105-моддасида ва «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун 20-моддасида белгиланган ваколат муддати 2001 йилнинг май-июнь ойларида тугаши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши қарор қилади:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари 2001 йилнинг май-июнь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчиларининг сайловини ўтказишни таъминласин.

2. Қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш ҳамда сайловни ташкилий жиҳатдан юксак даражада ўтказиш мақсадида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги намунавий низом тасдиқлансин.

3. Шу муносабат билан: туман ва шаҳарлар ҳокимларига — фуқаролар йиғинларини ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда, ташкилотчилик қобилиятига ҳамда аҳоли ўртасида юқори обрў-эътибор ва ҳурматга сазовор бўлган, давлат ҳокимияти органлари ваколатларининг бир қисми босқичма-босқич фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига берилиши муносабати билан ушбу органлар олдида турган вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган шахслар орасидан фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига кадрлар танлашда кўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларига — ўз сайлов округларида сайлов тадбирларини ташкил этишда фаол иштирок этиш;

оммавий ахборот воситаларига — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиладиган сайловларга тайёргарликнинг боришини ва сайловларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Олий Мажлис Кенгашининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этишга доир тадбирлари тасдиқлансин.

5. Олий Мажлис Котибияти Олий Мажлисда доимий асосда ишловчи депутатлар ва Котибият ходимларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиладиган сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда амалий ёрдам кўрсатиш учун жойларга чиқишларини ташкил этсин.

6. Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси сайловлар жараёнида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари юзасидан билдирилган таклифларни умумлаштирсин ва жорий йилнинг 15 июлига қадар фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчиларининг сайлови якунлари тўғрисида Олий Мажлис Кенгашига ахборот берсин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри, 2001 йил 9 апрель.

**САНОАТ**

## Замонавий мебеллар

**«Эътиқод» хусусий корхонасида ишлаб чиқарилаётган замонавий мебеллар харидор талабларига тўла жавоб бериб, ўзининг бежиримлиги ва сифати билан хорижникидан асло қолишмайди.**

Хусусий корхона 1994 йилда ташкил этилган бўлиб, аввалига бу ерда 10 турдаги курсилар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди. Секин-аста ишлаб чиқаришни ривожлантира бориб, айни кунларда корхона тадбиркорлари маҳаллий хом ашёдан юмшоқ мебелларнинг 5-6 турини, шунингдек ётоқхона ва меҳмонхона термаларини ҳам тайёрлашни ҳам йўлга қўйдилар. Ушбу мебелсозлар томонидан тайёрланаётган бир маҳсулот ўз патентига эга бўлиб, пишиқ-пухталиги, оилаларимизга мослиги, рақобатбардошлиги билан ажралиб туради.

— Келгуси режаларимиз ҳам талайгина, — дейди корхона директори Абдуғани Қосимов. — Корхонамизни кенгайтириб, янги хорижий дастгоҳлар билан жиҳозлаяпмиз. Қўшимча иш ўринлари яратиш билан бирга мебелларнинг янада замонавий буюртмачи талабига тўла жавоб берадиган турларини яратишни режалаб турибмиз. Албатта, кейинчалик маҳсулотларимизни қўшни давлатларга ҳам экспорт қиламиз. Бунинг учун ҳозирги пайтда малакали мутахассисларимиз изланишлар олиб боришмоқда, бозор конъюктурасини изчиллик билан ўрганишмоқда.

**Дилноза ҒИЁСОВА**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### ҚИСҚА сатрларда

❐ **ОНАЛАР** ва болалар йили муносабати билан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида жорий йилда қабул қилинган «Она ва бола» давлат дастуридаги режаларни тўлақонли бажаришга бағишланган тадбир ўтказилди.

❐ **ШАҲРИМИЗДА** Халқаро Қизил Ярим Ой жамияти ташаббуси билан Ўрта Осиё мамлакатлари университетлари талабалари иштирокида ҳуқуқий билимни юксалтиришга қаратилган танлов ниҳоясига етди.

❐ **ЧИЛОНЗОР** туманидаги 23-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари куни кеча ўзлари учун республика Уй-жой жамғарма банки таъсис этган «Болажон» деб номланган омонат дафтарчалари топширилганлигининг гувоҳи бўлишди.

❐ **ТОШКЕНТ** Давлат консерваториясида Ўзбекистон яккахонлари оркестрининг концерти бўлиб ўтди.

❐ **МУҚИМИЙ** номидаги Ўзбек Давлат мусиқали театрида Тошкент Молия институти талабалари иштирокида «Истеъдод-2001» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

❐ **ПОЙТАХТИМИЗДА** Россиянинг «Трансаэро» авиакомпаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Республика Маданият ишлари вазирлиги ва «Ўзбекнаво» концерт бирлашмаси ҳамкорлигида эстрада жаз санъатини тарғиб қилиш ҳамда ривожлантириш мақсадида эстрада санъати усталари ижросида театрлаштирилган концерт-шоу бўлиб ўтди.

❐ **ҚАРДОШ** миллат вакилларининг фарзандлари таҳсил олаётган шаҳримиздаги 160-мактаб лицейда «Тил билган — эл билар» мавзусида анжуман ўтказилди. Унда ўқувчилар ўзлари ижро этган ўзбек тилидаги шеър, қўшиқ, монологлари билан анжуман қатнашчиларини хушнуд этишди.

❐ **ЎЗБЕКИСТОН** телерадиокомпанияси ижодий ходимлари ўртасида ўтказилган шахмат мусобақаларида «Ойнаи жаҳон» ва «Амалдор» жамоалари юқори ўринларни ишғол этишган бўлса, шахсий биринчилик мусобақаларида «Шоҳруҳ мактаби» кўрсатувининг бошловчиси, шахмат бўйича спорт усталигига номзод Акром Тошхўжаев биринчи ўринни эгаллади.

**ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ**

## Делегатлар сайланди



**Маълумки, ёшлар — буюк келажагимизнинг бунёдкорларидир. Уларни бирлаштириш, иқтидорларининг намоён бўлишига кенг йўл очиш, манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишдек хайрли ниятларни кўзлаб тузилаётган ёшларимизнинг янги ташкилоти — «Камолот» ижтимоий ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, унинг таъсис курултойига делегатларни сайлаш мақсадида барча вилоятларда йиғилишлар бўлиб ўтмоқда.**

**КЕЧА**

**пойтахт ёшларининг бўлиб ўтган йиғилишида шаҳримизнинг барча туманларидан сайланган жонкуяр ва фидойи ёшлар иштирок этишди.**

Анжуманда сўзга чиққанлар ҳаракат ташаббус гуруҳлари йиғилишларида ёшлар томонидан киритилган кўплаб ўринли таклифлар ҳаракат Низоми ва Дастурида ўз аксини топганлигини таъкидлаб, «Камолот» ёшларни янги-янги уфқларга чорлайдиган ижтимоий ҳаракат бўлиб қолиши ҳақида фикр юритдилар.

Анжуман сўнгида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг республика курултойига Тошкент шаҳридан делегатлар сайланди.

**Дилмурод ИСМОИЛОВ**

***СУРАТДА: шаҳар ёшларининг йиғилишида.***
***Тоҳир Ниғматуллин олган сурат.***

## XXI аср садоси

**Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар**

### Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши раисининг ўринбосари Ли Ланьцин раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти «Конметаллургия саноати учун юқори малакали мутахассислар тайёрлашни ташкил қилишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди.

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.

● Мамлакатимизга ташриф буюрган Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши раисининг ўринбосари Ли Ланьцин бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов билан учрашди.

● Пойтахтдаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида Хитой ва Ўзбекистон ўртасида ҳужжатлар имзолаш маросими бўлиб ўтди.

● **Кеча** мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Хитой Халқ Республикаси делегацияси «В. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» Давлат акциядорлик жамиятида бўлди. **Кеча** Хитойдан келган меҳмонлар Ўзбекистон пойтахтидан қадимий Самарқанд шаҳрига жўнаб кетишди.

● **Кеча** Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судида «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари муҳофазасини таъминлаш механизмининг такомиллаштирилиши» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

● **Кеча** пойтахтимизда бўлиб ўтган «Туронбанк» акционерларининг йиллик мажлисида янги таркибдаги бошқарув фаолиятига юқори баҳо берилди. Мажлисда банкнинг ўтган йилги фаолияти якунлари тўғрисидаги ҳисобот тингланди.

● **Кеча** пойтахтимизда Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари учун авиация хавфсизлиги юзасидан ўтказилган уч кунлик халқаро семинар ўз ишини якунлади. Семинар охирида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани ўтказилди.

● **Кеча** Марказий зобитлар саройида Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ ташкил этилган «Чегара посбонлари» бирикмаларининг фаолияти якунларига бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

● Самарқандда «Номингдан айланай, Ўзбекистоним» деб номланган маданият ва санъат кунлари якунланди.

● Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси томонидан ташкил этилган «Аждодларимизнинг қўлёзма меросини тўплаш, илмий ўрганиш ва нашр этиш муаммолари» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

● Пойтахтимиздаги «Шератон» меҳмонхонасида миллий таомлар фестивали ўтказилди.

● Ўзбек миллий курашининг асл ватани Сурхондарёда Ўзбекистон Республикаси «Кураш» академиясининг филиали очилди.

● Наманганда 10 ёшдан 18 ёшгача бўлган қизлар ўртасида шахмат бўйича республика биринчилиги бўлиб ўтди.

### Жаҳонда

● **Кеча** Россия Федерацияси Бош вазири Михаил Касьянов Украина қувурларининг Россияга келтирилиши борасида чегараланишлар бўлишини айтди.

● **Кеча** Молдова Президенти М. Воронин мамлакат парламентига янги Бош вазирни тақдим этди. Коммунистлар партиясидан номзоди кўрсатилган В. Тарлев Бош вазир бўлди.

● АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларига қарашли айғоқчи самолёт Хитойнинг ҳарбий самолёти билан тўқнашиб кетганидан сўнг ўртада давом этган ўн бир кунлик баҳслар ниҳоят якун топди. Хитой ташқи ишлар вазирига АҚШнинг Хитойдаги элчиси америкалик ҳарбийларнинг хатти-ҳаракати учун расмий узр сўралган хатни топширди. **Кеча** Хитойнинг Хайнань оролида 15 кун мобайнида ушлаб турилган Америка айғоқчи самолётининг 24 нафар учувчиси озод қилиниб, юртига қайтиб кетди.

● Югославиянинг собиқ Президенти Слободан Милошевич юрак безовталиги муносабати билан касалхонага ётқизилди.

● Швейцария ҳукумати Афғонистоннинг Толибон ҳаракатига янги жазо чораларини жорий этди.

● Афғонистоннинг Толибон ҳаракати маъмурлари Европа Иттифоқини афғон можаросида бетараф бўлишга даъват қилди.

● **Бугун** Нью-Йоркда жорий йилдаги сўнгги Шимолий Америка автошоуси очилади.

● Литвада ўтказилган бокс бўйича халқаро турнирда иштирок этган ўзбекистонлик боксчи Рустам Саидов кетма-кет учта зафар қозониб, турнир ғолиби бўлди. Ўзбекистонлик Рафқат Эралиев ва Шаҳзод Ҳусанов кумуш медалларга сазовор бўлишди.

● **Кеча** Ироқда ўн бир йиллик тақиқлашдан сўнг биринчи марта халқаро футбол мусобақаси бўлиб ўтди. Осиё чемпионатининг саралаш ўйинларида Қозоғистон ва Непал жамоалари ўзаро беллашди. Унда Қозоғистон терма жамоаси ўз рақибларини 6:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. **Эртага** Қозоғистон терма жамоаси Маккао терма жамоасига қарши майдонга тушади.


**Бугунги сонда:**

● Ўзбек ўғлонига мукофот

● Саховатли инсонлар ҳиммати

● Ҳикмат — бир ҳовуч олтин

ТВ дастурлари

29

ЮРТИМИЗ ДОВРУҒИНИ ТАРАТАЁТГАНЛАР



# Рустам Қосимжоновга «Тико» автомашинаси

**Ўзбек спортининг барча оламшумул ютуқлари акс эттган «Олимпия шон-шухрати» музейида республикамизнинг халқаро мусобақаларда улкан ғалабаларни қўлга киритган жамоалари, ўз оламшумул зафарлари билан юртимиз довруғини таратаётган спортчиларни кенг жамоатчилик иштирокида такдирлаш яхши анъана тусига кирган.**

Ўтган куни ушбу хайрли анъана давом эттирилиб музей яна спортимиз мутасаддилари, ишқибозлари, шаҳримиз жамоатчилиги вакиллари — шахмат бўйича халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжоновни кейинги пайтларда эришаётган ютуқлари билан қутлаш ниятида ташриф буюрган ҳамюртларимиз билан гавжум бўлди.

Тадбирда «Ўзавтотеххизмат» очиқ турдаги акционерлик жамиятининг раиси Юсуп Асилов жаҳон рейтингида собиқ дунё чемпиони Анатолий Карповдан ҳам ўзиб кетган ҳолда тўққизинчи ўринни эгаллаб турган Осиё чемпиони, ўтган йили ўтказилган жаҳон олимпиадасида фахрли учинчи ўринни эгаллаган Рустам Қосимжоновни эришаётган улкан ютуқлари билан қутлаб корхона томонидан ажратилган «Тико» автомашинасининг калитини топширди.

Халқаро гроссмейстеримизга Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг раиси Баҳодир Маҳситов келгусидаги мусобақаларда омад тилашди.

— Менинг кейинги пайтларда халқаро мусобақаларда эришаётган ютуқларимни биринчи навбатда ўзбек шахмати мактаби, жонкуяр мураббийларимиз, спортимиз мутасаддиларининг ҳам ютуқлари деб биламан. Шу йили кузда ўтказиладиган жаҳон биринчилиги баҳсларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш мақсадида бор куч-маҳоратимни сарфлашга ваъда бераман.

Ушбу оламшумул мусобақага пухта тайёргарлик кўриш мақсадида Рустам Қосимжонов апрель ойининг охирларида Германиянинг Эттон шаҳрида ўтказиладиган халқаро гроссмейстерлар турнирида иштирок этади.

**Дилшод ИСРОИЛОВ**

# Вазифалар белгиланди

КЕЧА

**Юнусобод тумани ҳокимлигида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар иши бўйича комиссиясининг семинар йиғилиши ўтказилди.**

Семинар шаҳар ва туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар иши бўйича комиссияларининг вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг назоратсиз, қаровсиз қолишига, улар ўртасида содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари, шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш чораларини амалга ошириш юзасидан фаолият олиб бориши ҳамда комиссия ҳужжатларини қонун доирасида юритиши мавзусида бўлди. Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Эркин Эрназаров кириш сўзи билан очди.

Йиғилишда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат қилиш бўлими бошлиғи, адлия катта маслаҳатчиси Н. Бобоев вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар тўғрисидаги Низомда кўрсатилган умумий қоидалар, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларнинг вазифалари, туман комиссияларининг назорат функциялари, уларнинг ҳуқуқлари тўғрисида, юридик фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Ф. Отахўжаев вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятида «Оила» кодексининг қўлланиши тўғрисида, Республика Ички ишлар вазирлиги жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Б. Дўстмуҳамедов Меҳрибонлик уйлари, махсус ўқув муассасалари, вояга етмаганлар учун тарбия колонияларида вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, улар ўртасида содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларни бартараф этиш чораларини амалга ошириш тўғрисида тўхталиб ўтдилар.

Қизғин савол-жавоблар остида ўтган семинар сўнгида вояга етмаган ўсмир-ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жараёнида келгусида амалга ошириладиган ишлар бўйича таклиф ва тавсиялар қабул қилинди, вазифалар белгилаб олинди.

КЎРГАЗМАЛАР

# Нафис ранглар жилоси

**Кейинги пайтларда Германия элчихонаси томонидан кўпгина тадбирлар, учрашувлар ўтказилиб турилмоқда. Яқинда элчихона ташкилотчилигида таниқли рассом Анвар Бахтеевнинг турли йўналишлардаги 70 га яқин асарлар кўргазмаси бўлиб ўтди.**

Айни баҳорнинг фусункор, унутилмас шу кунларида иқтидорли мўйқалам соҳибининг бундай ажойиб кўргазмани ташкил этиши йиғилганлар қалбига янада ором бахш этди. Зеро санъат, у қайси жанрда ёки қайси ҳолатда бўлмасин ҳамиша дилларга завқ улашган, бизни яратувчанликка чорлаган. Кўргазмага ташриф буюрган ҳар бир иштирокчи қалбида рассомнинг ўзга бир руҳда яратган асарлари ана шундай унутилмас из қолдирган бўлса не ажаб.

Энди Анвар Бахтеев ҳақида қисқача тўхталадиган бўлсак, у 1949 йил Тошкентда рассомлар оиласида туғилган. У шу кунгача республикамизда ва чет элларда кўплаб ана шундай кўргазмалар ташкил этиб, кўпчиликнинг кўнглидан муносиб жой олган.

— Бир қатор Европа давлатларининг галереяларида ўзимнинг асарларимни кўриб қувонганман, — деди у. — Бугунги кўргазмани ташкил этишда ўзларининг беминнат ёрдамларини кўрсатган Германия элчихонаси вакилларига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

**Очил ҲАЗРАТОВ**

# Пойтахт жамоаларининг ғалабаси

КЕЧА

**ўтказилган «Пахтакор» ва «Металлург» жамоалари ўртасидаги учрашув мамлакат X миллий чемпионатининг 5-тур мусобақаларига якун ясади.**

Ҳар икки бўлимда тўла устунликка эришган пахтакорчилар бекободликларни йирик 7:2 ҳисобида мағлубиятга учратиб, турнир жадвалининг иккинчи поғонасига чиқиб олишди.

Пойтахтнинг бошқа жамоалари ҳам бу турда фақат ғалаба қозониб зарур очколарга эга бўлишди. «Трактор» — «Бухоро» 1:0, «Академик» — «Қизилқум» 3:0.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди. «Дўстлик» — «Семурғ» 3:0, «Кимёгар» — «Навбаҳор» 1:4, «Зарафшон» — «Сурхон» 3:1, «Турон» — «Насаф» 1:0, «Самарқанд» — «Динамо» — «Нефтчи» 2:4, «Суғдиёна» — «Андижон» 2:0.

ЭРТАГА

навбатдаги 6-тур учрашувлари бўлиб ўтади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

# Сўранг, жавоб берамиз

***Кейинги пайтларда бозор ва дўконларда сотилаётган хориждан келтирилган кийим-кечакларда ўлчам белгиси ўрнига турли-туман лотинча ҳарфлар қўлланилаётгани сир эмас. Кўпинча уларнинг қандай ўлчамларни билдиришини тушунолмай хуноб бўламиз. Наҳотки бу борада ягона жаҳон андозалари бўлмаса?***

*А. Икромова.*

Дарҳақиқат, бу борада ягона стандарт бўлмаса-да, турли мамлакатларда кийим-кечак, пойабзал, ички ва устки кийимлар ўлчамларини белгилашнинг ҳар хил андозалари учрайди. Сиз айтгандек X S, S, M, L, XL каби ўлчам кодлари Япония, Хитой каби Осиё мамлакатларида қўлланилади ва ошиб борувчи ўлчамларни билдиради. Агарда дўконларда ушбу ўлчамларнинг бизда қабул қилинган андозаларга мос келиши тўғрисидаги кўрсаткичлар бўлмаса, уни сизга сотувчи тушунтириб бериши шарт.

* * *

***Фарзандим туғилмасидан бир неча ой олдин эрим бахтсиз ҳодиса туфайли вафот этди. Туғилажак фарзандим ҳужжатларига марҳум отаси тўғрисидаги ёзув-чизувлар қандай амалга оширилади?***

*Ф. Ҳакимова.*

Агар бола онаси билан никоҳда турган шахс вафот этгандан кейин ўн ой ўтмасдан туғилган бўлса, вафот этган мазкур шахс янги туғилган боланинг отаси сифатида ёзилади. Агар бола ота-онаси никоҳдан ажралгандан кейин ёки никоҳи ҳақиқий эмас деб топилгандан кейин ўн ойдан кечикмай туғилган бўлса, боланинг онаси билан никоҳда турган шахс боланинг отаси сифатида ёзилиши мумкин.

* * *

***Қонун бўйича биринчи навбатдаги ворисларга кимлар киради?***

*А. Салимов.*

Мерос қолдирувчининг болалари (шу жумладан фарзандликка олинган болалар), эри (хотини) ва ота-онаси (фарзандликка олувчилар) тенг улушларда қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар. Мерос қолдирувчининг вафотидан кейин туғилган болалари ҳам биринчи навбатдаги ворислар жумласига кирадилар.

* * *

***Ишга жойлашган эдим. Менга 2 ойлик дастлабки синов муддати белгиланди. Шу тўғрими?***

*А. Ҳасанов.*

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 85-моддасига мувофиқ, дастлабки синов муддати уч ойдан ошиб кетиши мумкин эмас.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври ва ходим узрли сабабларга кўра ишда бўлмаган бошқа даврлар дастлабки синов муддатига киритилмайди.

**Жавоблар ҳуқуқшунос Ғайрат АБДУҚОДИРОВ ва таҳририят ходимлари томонидан тайёрланди.**

* * *

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан 133-99-42 телефонига қўнғироқ қилсангиз малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.**

ТАДБИРЛАР

# Кўнгиллари шод бўлди

**Шаҳримиздаги 23-Меҳрибонлик уйида ўксик диллар кўнгли шод этилиб, меҳр-мурувват, саховат кўрсатилди.**

«Тансиқ» хусусий фирмаси ташаббуси билан етти нафар боланинг суннат тўйи ўтказилди. Болалар учун байрамона дастурхон безатилиб, турли ноз-неъматлар ҳамда ош тортилди. Болажонларнинг севимли «Томоша» гуруҳи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Илҳомжон Фармонов ижро этган дилрабо ва қувноқ қўшиқлар, шунингдек, Тошкент цирки артистларининг чиқишлари болажонларнинг шодлигига шодлик, бир олам қувонч бахш этди.

Чилонзор туманидаги «Қатортол» маҳалласи ҳамда «Меҳржон» нодавлат ташкилоти томонидан тўй болаларга совға-саломлар топширилиб, кўнгиллари шод этилди.

**Дилором ИКРОМОВА**



*Ширин орзулар оғушида.* *Равиль Альбеков олган сурат.*

ШАНБАДАН ШАНБАГАЧА: МУНАЖЖИМ ТАВСИЯЛАРИ

# Ҳафтангиз хайрли келсин

**• 14 апрель — шанба (Ойнинг 20/21 куни).** Одамларда ижодий изланишларга, билим ва маънавий камолотга интилиш кучаядиган кун. Шу кеча-кундузда илмий тадқиқотлар, ижодий изланишлар самарали бўлиши кутилади. Бу борадаги ишларда муайян ютуқлар қўлга киритилиши мумкин.

Жигар нозиклашиб, хасталикларга мойиллик сезилади. Шунинг учун бу аъзони ҳамда қон ҳосил қилиш тизимини ортиқча зўриктирмаслик керак. Қизғиш рангли ҳам нордон мазали озуқалар — анор, сабзи, лавлаги, клюква, брусникаларни тановул қилиш, янги сиқиб олинган мева шарбатларини ичиш тавсия этилади. Оқсилли маҳсулотлар ҳамда ёғли таомлардан ўзингизни тийинг.

Шу кеча-кундузда кўрган тушларингиз жуда ёқимли бўлса-да, бирон-бир муҳимроқ аҳамиятга эга бўлмайди.

**• 15 апрель — якшанба (Ойнинг 21/22 куни).** Мазкур кеча-кундуздаги Ой сайёрасининг ахборот-энергетика таркиби инсоннинг интеллектуал қобилиятларини намоён этади. Оқилу донолик чўққиларига эришиш, эзгу мақсадларни қўлга киритиш, ўз табиати, илдизларини англашда бу куннинг аҳамияти катта.

Саломатлик нуқтаи назаридан бугунги кун умуртқага эътиборли бўлишни талаб этади. Ушбу кечада фаоллик даражаси кўтариладиган энергетика маркази думғаза ва тос суякларида жойлашган бўлади. Шу жойларингизнинг ортиқча совиб кетишига йўл қўйманг. Кутилмаган ва кескин ҳаракатлардан ўзингизни эҳтиёт қилинг.

Тушларингиз узоқ вақтдан бери сизни қийнаб келаётган ва ечими кўринмаётган муаммоингизни ҳал этиш йўлларидан дарак беради.

**• 16 апрель — душанба (Ойнинг 22/23 куни).** Ой сайёрасининг инсон ва табиатга таъсири одамларда эҳтиросларни кучайтириб, уларни зўравонлик, тажовузга ундайди. Бу кунни одамлардан холироқ, уйда ўтказган маъқул. Хоналарни, ҳовли-жойларни супуриб-сидириб, ахлатлардан тозалаш, нокерак нарсаларни йўқотиш, сувлар сепиб, исириқ тутатиб юбориш тавсия этилади. Бўкиб овқатланишдан ўзингизни тийинг.

Бир жойда ўтириб қолмай, кўпроқ ҳаракатда бўлинг. Бугун айниқса, ўз саломатлигингизга эътиборли бўлишга интилинг. Юракни ишлатадиган, томирларни ҳаракатга келтирадиган, қонни ҳайдайдиган муолажалар фойдали бўлади. Бўғимлардаги ҳар қандай жарроҳлик операциялари, асаб тизими, сезиш ва кўриш аъзоларини даволаш билан боғлиқ муолажалар тавсия этилмайди.

Кўрган тушларингиз нохуш, кўнгилни хира қиладиган бўлса-да, хавотирланишга ўрин йўқ — улар муҳим хабар беролмайди.

**• 17 апрель — сешанба (Ойнинг 23/24 куни).** Бугунги кун рамзи эскирган, ўз умрини яшаб бўлган нарсаларни йўқотувчи қудрат билан боғлиқ. Шунинг учун янгиланиш, янги-янги нарсаларни яратиш йўлидаги ҳаракатлар сизга муваффақият келтиради. Бундан ўз саломатлигингизни мустаҳкамлаш йўлида фойдаланишга ҳам ҳаракат қилинг.

Қувват жиҳатидан қудратли бўлгани учун бу кунни узоқ чўзиладиган ва оғир жисмоний меҳнат билан ўтказган маъқул. Иш жойларида боғ ва экинзорларда қилинган меҳнат айниқса самарали бўлиши кутилади. Сарфланган қувватларингизни тиклаб олиш учун оқсилга бой кучли таомлар тановул қилишингиз керак.

Кўрган тушларингиз у ёки бу хилдаги муаммоларингиз ечимидан хабар беради ва ҳафта давомида ўнгингизда содир бўлади.

**• 18 апрель — чоршанба (Ойнинг 24-25 куни).** Шу кеча-кундуздаги Ой сайёрасининг таъсири одамларни ёлғизликка, танбалликка ундайди. Бемалол ва осойишта сайр қилиш, диққатни кўпроқ бир жойга жамлаш ва ҳеч бир нарсада шошқалоқликка йўл қўймаслик тавсия этилади. Бугунги кун рамзи бўлган тошбақадан ўрнак олинг!

Шу кеча-кундузда одам териси нозиклашиб, хасталикларга мойил бўлади. Аллергия хуруж қилиши мумкин. Суюқликни ортиқча ичмаслик, спиртли ичимликлардан узоқроқ бўлиш, кимёвий дориларни ичишдан тийилиш тавсия этилади.

Сезги аъзолари, жигар ва оёқларда муолажалар ва жарроҳлик операциялари ман этилади. Замбуруғли касалликлар хавфи бўлади. Оёқ кафтларини уқалаш, сув билан боғлиқ муолажалар тавсия этилмайди.

Тушларингиз ёрқин ва хушчақчақ бўлади. Улар сизни тинчлантириб, баъзи нохушликларни ёдингиздан кўтаришга ёрдам беради.

**• 19 апрель — пайшанба (Ойнинг 25/26 куни).** Мазкур кеча-кундуз ахборот-энергетика таркиби одамлар онгига салбий таъсир этиб, уларни беҳуда ишлар, «турмуш ботқоқлари»га бошлайди. Бу кун нохуш, одамлар учун қалтисликлар куни ҳисобланади. Шунинг учун фаол ҳаракатлардан ўзни тийиш, дам олиб ҳордиқ чиқариш тавсия этилади. Бугун бирон-бир янги ишга қўл урманг.

Асаб тизимлари бирмунча нозиклашади. Шунинг учун тинчлантирувчи массаж, сув билан боғлиқ муолажалар, ҳаммомнинг буғхонасига тушиш тавсия этилади. Турли жарроҳлик операцияларини, тиш шифокорига учрашишни бошқа кунга кўчирганингиз маъқул.

Икки хил — ҳам ғамгин, ҳам хушчақчақ тушлар кўришингиз мумкин. Лекин уларнинг ҳар иккиси ҳам ҳаққоний хабар келтиролмайди.

**• 20 апрель — жума (Ойнинг 26/27 куни).** Шу кеча-кундуз ахборот-энергетика таркиби яширин, ғайб билимларини эгаллаш, туйғулар орқали келажакни кўра билишга қулай келади. Диққатни бир жойга жамлаб, эзотерик машғулотлар билан шуғулланиш самарали бўлади.

Бугунги кун ўзингизни қаттиқ толиқтирмай, меъёрида куч-ғайрат сарфлашни талаб қилади. Ҳаммомнинг буғхонаси ёки сауна танадан турли хилтларнинг осон чиқиб кетишини таъминлайди. Кун бўйи камроқ пиёда юрганингиз маъқул. Акс ҳолда оёқ кафтларингиз оғриб, безовта қилиши мумкин.

Кўрган тушларингиз башоратли бўлиб, ўзингиз ҳақингизда хаёлингизга ҳам келмаган нарсалар тўғрисида хабар беради.

**Баҳорги иқлим ва ҳарорат ўзгариши билан одам вужудида толиқиш юз беради. Асосийси, киши қишда дармондорили таомларни кам истеъмол қилади. Кўклам палласида қон таркибида фойдали моддалар камайган, асаб ҳам бўшашган, юрак-қон томирларида бир қадар ўзгаришлар юз берган бўлади. Баҳорги толиқиш май ойига бориб йўқолади. Бу вақтгача янги мева-чевалар, сабзавот ва кўкатлар истеъмол қилинади.**

БАҲОРИЙ НЕЪМАТЛАР

# Ҳам тансиқ, ҳам шифо

### Кўк чучвара

қиймаси отқулоқ, жағ-жағ, йўнғичқа, шўра, ялпиз, исмалоқ, момақаймоқ, кашнич, кўкпиёз, оқпиёз, жизза ёки карт думба аралашмасидан тайёрланади. Барча масалliқлар майдаланади, туз ва мурч қўшиб аралаштирилади, сўнг қозонда қовуриб олинади. Тайёрланган қийма тугилади ва гўштли чучвара каби пиширилади. Тайёрланган таомни сариёғга буласангиз соз бўлади.

### Кўк патир

тайёрлаш учун ялпиз, отқулоқ, жағ-жағ, йўнғичқа, момақаймоқ, барра беда ва бошқа кўкатлар ювилади, майдалаб бироз туз аралаштирилади. Қийма устига иссиқ сув қуйилиб, икки-уч соат тиндирилади. Сўнг кўк қийманинг суви сузиб олинади, кўки эса озгина ёғда қовурилади. Кўк сувига қорилган хамир ошгач, хоҳишга қараб катта-кичик зувалачалар узиб олиниб, патир ясалиб, тандирда пиширилади. Кўк патирнинг хамири учун 1 кило ун, 2 стакан кўкатлар суви, 50 грамм хамиртуруш, 2 чойқошиқ туз, таъбга кўра ёғ керак бўлади.

### Кўк сомса

қорилган хамир ошгач, зувалачалар узилиб, катта пиёла оғзидек жилдлар ясалади. Сўнг ҳар бир жилд ичига кўк қиймадан бир-икки ош қошиқдан солиб, учбурчак, тўртбурчак ёки думалоқ шаклида тугилади.

Масаллиқ хамирига — 50 грамм ун, бир стакан илиқ сув, жиндай хамиртуруш, бир чой қошиғида туз зарур. Қиймасига ҳар хил кўкатлардан бир боғдан, 200 грамм жизза, бир чой қошиғида туз, бир чой қошиғида мурч қўшилади.

**Азиза МУҲАМЕДОВА тайёрлади.**

ДОНИШМАНДЛАР ХАЗИНАСИДАН

# Шоир Нодир ва унинг «Ҳафт гулшан» («Етти гулшан») асари ҳақида

**Ўзбек халқининг ёзма адабиётида достончилик қадимдан мавжуд бўлиб, XVII-XVIII асрларда ҳам ўзига хос тарзда давом этиб келган. Бу даврда Нишотийнинг «Ҳусни дил», Мажлисийнинг «Қиссаи Сайфулмулук», Сайқалийнинг «Баҳром ва Гуландом», Сайёдийнинг «Тоҳир ва Зуҳра» каби бир неча асарлари вужудга келган.**

**XIX асрнинг биринчи ярмидаги Қўқон адабий муҳитида ҳам мазкур анъана мавжуд бўлган. Чунончи Ҳозиқнинг «Юсуф ва Зулайҳо», Увайсийнинг «Ҳасан ва Ҳусан», Нодирнинг «Ҳафт гулшан» достонлари вужудга келган. Айрим маълумотларга қараганда шоир Нодир 1156 ҳижрий (1743/1744) йили туғилган. У Қўқон шаҳрида яшаб ижод этган. Унинг «Ҳафт гулшан» достони 1240 ҳижрий (1824/1825) йилда ёзилган. Шоир Нодир бу асарини машҳур шоира Моҳлар ойимга (Нодира бегим) бағишлов тарзида ёзган. Бу ҳақда шоирнинг ўзи шундай деб ёзади:**

**«Бул вофирул ихлос қуллари, қосирул эътиқод вал ихтисос бандалари ҳазрат ойимнинг кўнгуллари кўзгуси ғуборини кўтармоққа етти гулшан бино қилибдурким, фусул арбаъа (тўрт фасл) анда мусовийдур».**

**«Ҳафт гулшан» (Етти гулшан) асари еттита катта ва кичик ҳикоялардан иборат бўлиб, бу достонларда инсонпарварлик, меҳру вафо, адолат ва саховат ҳамда ишқ-муҳаббат, дўстга садоқат каби ижобий хислатлар кенг тараннум этилади. Шоир Нодир ўз достонларига киритган кўпгина қаҳрамонларини аёллардан белгилайди. Достонлардаги қаҳрамон аёлларнинг турли миллатга мослиги ҳам эътиборга моликдир. Зотан, шоир муҳаббатни куйлар экан, кишиларнинг дини, миллатига қарамайди, аксинча уларнинг қалби, руҳий дунёқарашидаги яқинлик ва умумийликни бош мезон қилиб олади.**

**Биринчи гулшандаги камбағал ғишт қуювчининг ўғли билан бойнинг қизи ўртасидаги муҳаббат шеваси ёвуз кучлар устидан ғалаба қозонади. Иккинчи гулшанда тасвирланган Бангола ҳокимининг қизи отасининг ноҳақ қароридан норози бўлиб, севикли ёри кетидан дадиллик билан кетади ва у билан топишади.**

**Учинчи гулшанда тасвирланган Нишопур шоҳининг қизи ўз муҳаббати йўлида ўлимдан ҳам қайтмайди. Тўртинчи гулшан саргузашт ҳикоядан иборат бўлиб, Сарандиб (Цейлон) шоҳининг сеҳрли сафари, сафар ниҳоясида сеҳрли буюмларидан ажралиб ночор аҳволга тушиб қолиши ҳақида ҳикоя қилинади.**

**Бешинчи гулшаннинг асосий қаҳрамони Жавҳар номли қиздир. У шоҳ қизи бўлсада севикли ёрини қидириб кетади ва ниҳоят уни топади. Жавҳар оқила, тадбиркор ва жасурлиги туфайли маккор Шаъмуннинг тузоғидан қутилади. Йўл асносида тадбиркорлик билан қароқчи хабаш қўлидан чиқиб кетади. Кўп саргардонликдан сўнг ўз ёри билан топишади.**

**Олтинчи гулшан ҳикояси шоҳ ўғлининг камбағал бир болани уриб ўлдириб қўйишидан бошланади. Камбағал она ўз ўғлининг хуни учун мол-дунё олишдан бош тортади. Ниҳоят, адолат юзасидан шоҳнинг ёлғиз фарзанди — қотил шаҳзода бошқа мамлакатга сургун қилинади. Еттинчи гулшан Бағдод шаҳрида яшовчи молдор бойнинг ўғли Масъуд ҳақида боради. У отасининг тижорат ишларини ўрганиш мақсадида берган уч минг ашрафий пулига учта «насиҳат» ўрганиб келади. Масъуднинг кейинги ҳаёти давомида мазкур уч насиҳатнинг фойдаси кўринади.**

**Умуман «Ҳафт гулшан» назм билан ёзилган достондир. Мисралар пухта, бадиий жиҳатдан пишиқ асардир. Мазкур достонни эски ўзбек тилидан ҳозирги замон тилига ўгириб, насрда ифодалашга ҳаракат қилдик.**

**Нодир ўзининг «Ҳафт гулшан» асарини Моҳлар ойим — Нодира бегимга бағишлагани туфайли ҳар бир гулшан ҳикоясининг сўнггида Моҳлар ойим ва унинг икки фарзандининг замона офатларидан омон сақлашликни, душманларини забун қилишликни Оллоҳдан илтижо қилиб сўраб, ҳикояни якунлайди.**

**«Ҳафт гулшан» асарига киритилган ҳикояларни назмдан насрга табдил қилишда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги «Шарқшунослик институтида сақланаётган 1801 рақамли қўлёзма нусхасидан фойдаландик.**

**1961 йилда «Ҳафт гулшан»нинг айнан 1801 рақамли қўлёзма нусхаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси нашриётида нашр қилинган.**

**1961 йили асарни Тил ва адабиёт институтининг илмий ходими Тамилахон Ғофуржонова босмага тайёрлаган. Иш жараёнида унга шу институт илмий ходими Р. Алиев кўмаклашган. Асарни нашрга тайёрлаш, тушунилиши қийин сўзларнинг луғатини тузишда мазкур институтнинг собиқ илмий ходими Республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби марҳум Ш. Шарафиддинов (Хуршид) ёрдамлашган. Асарга сўз бошини таниқли олим Азизхон Қаюмов ёзган. Бугундан ана шу асарни ёритишни бошлаймиз.**

**НОДИР**

## БИРИНЧИ ГУЛШАН

Рум мамлакатида бир ғишт қуювчи бор эди. Унинг қарамоғида хотини-ю бир ўғли бўлиб, ниҳоят даражада камбағалона кун кечирардилар. У дунёга келиб фаровон ҳаёт нималигини билмай, ҳаётдан барвақт кўз юмди. Ундан тўрт томон девори нураган эски бир кулбадан бўлак мерос қолмади.

Ота вафотидан сўнг ўғил ўзини ҳар томон уриб кўрди, аммо ночор аҳволдан қутулиш йўлини топа олмади. Ниҳоят, кунлардан бир кун тирикчилик машаққатлари ҳақида онаси билан ҳасратлашаркан, онасидан бир неча кунга ижозат беришини сўрайди, токи беш-ўн кун сафарга чиқиб жаҳонни кезиб сайр қилай, шоядки мушкуллар осон бўлса дейди. Онаси сафар машаққатлари-ю ранж-аламлари ҳақида гапириб, ҳарчанд ман этмасин, уни бу йўлдан қайтара олмайди. Йигитнинг бошига сайру тамошо тамантоси тушиб, ҳеч ким билан маслаҳатлашмай, сафар тараддудида турган тижорат аҳли билан танишиб, карвонга қўшилиб йўлга тушади.

Карвон аҳли бир неча ой дашту саҳроларни кезиб, ниҳоят Адан мулкига доҳил бўладилар. Аҳли тижорат карвон саройга юкларини тушириб, зарҳарид ҳужраларга жойлашиб, ўз маишатларига машғул бўлиб, бу бенаво камбағалга ҳеч ким парво қилмайди. Йигит бечоралик, бенаволикдан кўзи ёшга тўлиб, оч-наҳор шаҳар кезиб, кечани кимсасиз бир вайронада ўтказади. Ёлғизлик, ночорлик ғам-андуҳи йигитнинг ранг-рўйини заъфаронга айлантириб, очлик кишварининг лашкари ҳаё ва ғурур карвонини торож этади. Йигит ноилож гадоликни ўзига касб қилиб, тунларини вайроналарда тунаб ўтказарди.

**Турғун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.**
**(Давоми бор).**

## Шарқ дурдоналари

### Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Меҳнатни севиш, ғайрат ва матонат билан ишлашнинг учта ширин меваси бор. Биринчиси тан саломатлиги, иккинчиси кўнгил роҳати, учинчиси ақл ва зеҳннинг ортишидир.

● Бахтиёр бўлишни истасангиз ҳар бир ишингизни ўз вақтида бажаринг, бугунги ишни эртага қолдирманг. Фурсатни қўлдан берманг. Меҳнатни севмаган одам ҳар бир бузуқликни қилишга тайёрдир. Меҳнат инсонга бахт-саодат келтиради. Ялқовлик, ишсизлик фалокат гирдобига ташлайди.

● Қадимги юнон донишмандларидан Афлотун Ҳаким айтади: — Мен фидокорона қилинган меҳнат орқали келган роҳатни бошқа бирор нарсадан кўрмадим. Вужудимни саломатлиги, руҳимнинг саодатини фақат меҳнатдан топдим.

Ҳикоят: икки донишманд ўзаро суҳбатлаша туриб бири иккинчисига:

— Мана биродар, сиз билан биз одамларга бўлсин деб дунёни ўргандик. Қанча-қанча китоблар битдик. Ахир бизгача ҳам не-не олимлар ўтган. Улар томонидан яхши ҳикматлар айтилган. Шу ўринда сиз менга айтингчи, дунёда инсонларнинг билгани кўпми ёки билмагани, — деган саволни берибди. Шунда иккинчи донишманд хаёлга толиб:

— Мен ким кўп билиб, ким кам билганини аниқ айта олмайман, аммо инсон ўз меҳнати билан бировларга муҳтож бўлмай тинч яшаса ўшани дунёда энг кўп билган инсон деб айтган бўлур эдим, — деган жавобни берган экан.

Байт:

**Меҳнат ила ҳал бўладур ҳар мушкул,**
**Коми дил меҳнат ила бўлғай ҳосил.**

● Ёқимли сўз — ажиб мўъжизалар дояси.

● Сўз — билан ифодаланган ҳар қандай фикр таъсир кўлами тугамайдиган кучдир.

● Тилинг бирла кўнглингни бир тут.

● Сўз — буюк нарса. Шунинг учун ҳам буюкки, сўз билан одамларни бирлаштириш, сўз билан уларни бир-бириддан юз кўрмас қилиб юбориш мумкин. Сўз билан меҳр қозониш, сўз билан нафрат ва адоватга йўлиқиш мумкин.

● Сўз айтишдан аввал унинг ортидан келадиган оқибатни ўйла.

● Халқ орасида: «Нокастага нон авлиё, ош пайғамбар», «Оламни сув босса тўпиғига келмайди», деган нақллар бор. Аслида бировга у ёқади, бировга бу деганидир. Лекин ҳар бир сўзни билиб, ўз жойида айтган маъқул. Масалан, жаҳли чиқиб турган одамга кулиб боққан киши ножоиз кўринганидек, иши ўнгидан келиб турган кишининг азада ҳам ёнидаги шеригига аския айтишга мойил бўлиб туриши ўтакетган нодонлик.

Ҳикоят: бир майхўрдан: «Дунёдаги энг яхши нарса нима? Энг ёмон нарсачи?» — деб сўрашганида у: энг яхши нарса тўйиб май ичиб қотиб ухлаб ярим кечада чўллаб уйғонганингда ичиладиган муздеккина сув, «Энг ёмони эса эрталаб уйғонганингдаги ланжлик ҳолати», деган жавобни берган экан. Бир олим эса «Дунёдаги энг яхши нарса нима?» деган сўроққа: «Китоб» деган жавобни берибди. Худди шу савол билан бир бўйдоққа мурожаат қилишса у: «Қизнинг овозидек ширин ва ёқимли нарса йўқлигини» айтибди.

Ҳар кимнинг ҳар нарсага ўз диди, ўз қараши бор. Аслида бу ҳам тўғри. Лекин бу каби қарашлар умуммаъно-га эга бўлганида эса янада тўғрироқ бўлур эди.

Байт:

**Сўздурки, нишон берур ўликка жондин,**
**Сўздурки, берар жонга хабар жонондин.**
**Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,**
**Билким, гухари шарифроқ йўқ ондин.**

МАСАЛ

## Вақт қадрига етиш

Бир куни ўргимчак ипак қуртига бундай деди:

— Биродарим ипак қурт, озгина пилла ўраш учун неча кун тинмайсан. Мен эсам бир деворни бир неча соатда ўраб ташлайман.

Ипак қурти унга:

— Тўғри, ўргимчак қардош, сен қисқа вақтда ишни битира олишинг мумкин. Аммо қилган ишингнинг бировга фойдаси тегмайди. Вақтинг зое кетади, вақт қадрини биласанми ўзи? Мен шошилмай ишлайман, аммо толамдан ажиб, гўзал, бетимсол матолар тўқилади, тасаввур қила олмайсан. Ипагим ажойиб ишларга қодир. Инсонлар менинг маҳсулимдан кўп фойда кўрадилар. Оз иш қиламан, аммо ишимни пухта, тоза қиламан. Ўз санъатимни яхши ишлата биламан. Ишимни шундай пухта қилганимдан бахтиёрман. Чунки ишини яхши бажарган, санъатини яхши қўллаганларни Аллоҳ севади, пайғамбаримиз севади. Инсонлар ҳам жуда севадилар, дуо қиладилар. Мана шунинг учун мен жуда бахтиёр ва саодатмандман. Ишимни, вазифамни яхши бажараверaман, деб жавоб берди.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**
**тайёрлади.**

БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

## Бошқотирма

**Ёй бўйича:** 1. Билим maskани. 4. Ўзбек мумтоз ғазалнавис шоири, «Ўртар» ашуласининг шеъри муаллифи. 7. Бинокорлик ашёси, қаттиқ маъдан. 10. Ҳиндистон жанубидаги порт шаҳар. 13. Парранда овлашда фойдаланиладиган асбоб.

**Марказ томон:** 2. Ҳаққоний, одилона иш юритиш. 3. Бирор ифодани англатувчи белги. 5. Кучли, забардаст. 6. Фосфат ўғитлар ишлаб чиқаришда ишлатиладиган ашё, маъдан. 8. Ой ёки Ер сунъий йўлдоши орбитасининг Ердан энг кўп узоқлашган нуқтаси. 9. Асосан Краснодар ўлкасидаги мухтор вилоятда яшовчи халқ. 11. Қитъа. 12. Олов, тафт. 14. Халқ ҳажвиялари қаҳрамони. 15. Кавказдаги Кура дарёсининг ирмоғи.

**«Занжир» ҳолида:** 16. Автомобилистлар шаҳри. 17. Яқин киши. 18. Игна баргли дарахт. 19. Кучли, йирик йиртқич. 20. Мусиқа ёзуви. 21. Марказий Осиёда ўрта асрларда ижод қилинган тил. 22. Ўзбек халқ мақоми. 23. Пўлат сим. 24. Мактабдаги машғулот хонаси. 25. АҚШ автомобили русуми. 26. Инсоният тараққиётидаги маълум вақт оралиғи. 27. Эронда пул бирлиги. 28. Парранда, ёз даракчиси. 29. Мустақил давлатлар ҳамдўстлигидаги республика пойтахти . 30. Арманистон тоғлиги, Туркиянинг шарқидаги оқмас кўл. 31. Мўйнали жонивор.

**Муаммонома**

Аввало қуйидаги очқич сўзларни топинг.

1. Эркин Воҳидов достони — 5, 4, 2, 1.
2. Шамсия йил ҳисобидаги ўн иккинчи ойнинг арабча номи — 13, 12, 14.
3. Энергияни катта зичликда йўналтирувчи оптик генератор — 15, 3, 8, 11, 9.
4. Германиянинг Эльба дарёси бўйидаги порт шаҳар — 6, 3, 10, 7,12, 9, 6.

Энди шакл атрофидаги рақамларни очқич сўзларнинг жавоблари асосида мос ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг.

Бунда улардан ҳикматли сўз, айланмалар бўйича эса унинг муаллифини билиб олишга муваффақ бўласиз.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**



### ГАЗЕТАНИНГ 6 АПРЕЛЬ СОНИДА ЧИҚҚАН КРИПТОГРАММАНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

1.Тадбиркор. 2.Мониторинг. 3.Злотий. 4.Хуш таъб. 5.Коммивояжер. 6.Қарз — ҳасана.

**Ўгит:** Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азмиқатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.

## «02»: ҲОДИСАЛАР

**Ҳозирги кунда ўтказилаётган тезкор тадбирлар натижасида гиёванд моддалардек «заҳри қотил»нинг заволини била туриб, уни тарқатиш, сотиш билан даромад қиладиган кишилар ҳар куни ИИБ ходимлари томонидан қўлга олинмоқда.**

● Яқинда Шайхонтоҳур туман ИИБси Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари билан ўтказган тезкор тадбирда, ҳеч қаерда ишламайдиган А.А. ушланди. Бу йигит автобуслар бекатида текширилганида ёнидан 1 килограммдан ортиқ героин моддаси топилди. Терговда огуфурушнинг героинни Тошкентга сотиш учун олиб келганлиги аниқланиб, тегишли чоралар кўрилмоқда.

● Ноқонуний қурол олиб юрган киши ҳеч кимни отмаслигига ким кафолат бера олади? Метронинг «Чкалов» бекатида С.С.нинг Италияда ишлаб чиқарилган «Револьвер» русумли тўппончани олиб юргани аниқланиб, Ҳамза туман ИИБ ходимлари томонидан қуролсизлантирилди.

● Орамизда пинҳона фирибгарлик билан пул топиб юрганлар ҳам бор. Мирзо Улуғбек туманида яшовчи, иш жойининг тайини йўқ К.П. пенсионер К.Р.дан 2000 АҚШ долларини қайтариб бериш шарти билан ҳеч қандай ҳужжатни расмийлаштирмаган ҳолда олган ва ҳамон бермай қочиб юрибди. Содир этилган жиноят юзасидан суриштирув ва тергов ишлари давом этмоқда.

● «Қўшнинг тинч, сен тинч», деганлари рост. Бироқ Юнусобод туманида яшовчи О.Б. тинч яшашни хоҳламади. У қўшнисининг уйида йўқлигидан фойдаланиб, 5 метрлик 10 дона тахтасини, газ плитасини, 25 метр мис симларини ўмариб кетди. Тезкор кўрилган чоралардан кейин далилий ашё олиниб, бу жиноятни содир этган ҳамсоя ушланди.

● Шайхонтоҳур туман ИИБга тушган хабарга кўра, П.Қ. Фурқат кўчасидаги савдо растасида М.Н.нинг бўйнидан 150.000 сўмлик сариқ металлдан ясалган қимматбаҳо тақинчоқларини юлиб қочди. Лекин ИИБ ходимлари бу қочоқнинг йўлига ғов бўлиб, далилий ашё билан қўлга олдилар.

● Худди шундай жиноят содир этилганлиги тўғрисида хабар Яккасарой туман ИИБга ҳам тушди. Н.Л.нинг бўйнидан 50.000 сўмлик қимматбаҳо буюмини юлиб қочган О. осойишталик посбонларидан қочиб қутула олмади.

● Сўнгги пайтларда Тошкент шаҳрида автоуловларни олиб қочиш ёки уларнинг айрим эҳтиёт қисмларини ўғирлаш каби жиноятлар содир этилмоқда. Чилонзор туман ИИБ ходимлари томонидан шунга ўхшаш жиноят фош этилди. Мунтазам равишда «Нексия» автомашинасининг магнитолаларини ўғирлаб келган, ҳеч қаерда ишламайдиган А.А. қўлга олинди. Машинадан ўғирланган магнитофон ва чарм куртка далилий ашё сифатида қайтариб олинди.

● Қозоғистон Республикаси фуқароси М.С. қаерда юрганини унутиб, қинғир ишга қўл урди. У Ф.А.нинг уйига кириб, 180.000 сўмлик 3 та гилам, 1 та тикув машинаси ва кийим-кечакларни ўғирлаб кетди. Бу жиноятни содир этган шахс Собир Раҳимов туман ИИБ ходимлари томонидан қўлга олинди.

**Замон ЭШОНҚУЛОВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ матбуот хизматининг жамоатчи мухбири.**



**Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги**

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-3

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-2307. Босмага топшириш вақти 11.30 Топширилди 1 2 3 4 5 6